

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИДА МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда). муддатли ҳарбий хизматни ўташ даврида ҳарбий хизматчиларнинг жонғовар тайёргарлик дастурларини, ҳарбий ихтисосларни сифатли ўзлаштириб олишини, шунингдек, ахборот-компьютер технологияларига асосланган таълимнинг замонавий шакли ва услубларини кенг жорий этишни;

муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчиларни, сафарбарлик қақруви захираси хизматчиларини жисмоний ва маънавий камол топтиришга, уларда Ватанга муҳаббат ва унинг ҳимоясига шай турши руҳига асосланган мукамал характери, қатъий ҳаётий дунёқарашни шакллантиришга йўналтирилган маънавий-ахлоқий ҳамда ватанпарварлик тарбияси тизимининг самарадорлигини янада оширишни таъминлаш.

3. Вазирлар Маҳкамаси (Ш. Мирзиёев) Мудофаа вазирлиги (Қ. Бердиев), Ички ишлар вазирлиги (Б. Матлюбов) ва Миллий хавфсизлик хизмати (Р. Иноятов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда мудофаа ишлари бошқармалари қақруву пунктлари, чегара қўшилари ва МХХ ҳарбий қисмлари, ИИБ Қоро-вул қўшилари ўқув пунктлари инфратузилмасини такомиллаштиришга, уларни моддий-техник ашёлар, тиббиёт ускуналари билан жиҳозлашга, Қуролли Кучларни замонавий талабларга мос кийим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминлаш масалаларини ҳал этишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

4. Молия вазирлиги (Р. Азимов), Иқтисодий вазирлиги (Б. Ҳужаев) фуқароларни йилга бир марта муддатли ҳарбий хизматта қақруви ташкил этиш ва таъминлашнинг мақсадли вазифаларини амалга ошириш учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизматни ўташда мудофаа, ички ишлар вазирликлари ва Миллий хавфсизлик хизматини бюджетдан молиялаш тартиби ва параметрларига уларнинг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича аниқлик киритсин.

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Ҳаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М. Ҳазратулов) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, айниқса, ёшлар ўртасида фуқароларни хизматга қақруви ва уларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини кенг тўлқинлаштириш ишларини ташкил этиш ҳамда ўқитиш тасвия этилсин.

6. Адлия вазирлиги (Р. Муолитдинов) Мудофаа вазирлиги (Қ. Бердиев) билан биргаликда 2009 йилнинг 1 январига муддатда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ушбу Фармон талабларига мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирлиги Ш. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М. Атаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 20 ноябрь

ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

“Ўзбекистон Республикасида умумтаълим мактаблари қуриш ва уларни жиҳозлаш” лойиҳасини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорни ушбу жамғарма билан таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим дастурий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур лойиҳада мамлакатимизда 7900 ўқувчига мўлжалланган ўқитишга яқин умумтаълим мактаби қуриш ва уларни жиҳозлашни молиялаш кўзда тутилган.

Меҳмонлар мамлакатимизда таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар билан яқиндан танишишлар.

— Мамлакатимизда илм-фан ва таълимни ривожлантиришга давлат томонидан катта эътибор қаратилаётгани ва бу борада ҳавас қилса арзғулик

самараларга эришилаётганига гувоҳ бўлидик, — деди Сулаймон Ал-Хербиш. — Амалга оширилаётган ислохотларни кузатиб бормоқдамиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Ўзбекистон билан фан-таълим, қишлоқ ҳўжалиги ва транспорт коммуникациялари каби қўллаб соҳаларда кўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ниятидамыз. Узаро маслаҳатлашиш ва тажриба алмашиш икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Учрашувда Ўзбекистон билан ОПЕКнинг Халқаро ривожланиш жамғармаси ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА).

БУНЁДКОРЛИК, МУСАФФОЛИК, ПОКИЗАЛИК

Пойтахтимизда кейинги йилларда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган хайрли ишлар тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумки, шаҳар экологияси, аҳоли саломатлиги мавжуд ичимлик сувининг сифатига ҳам беvosита боғлиқ. Бу йўналишда ҳам изчи ишлар олиб борилаётганини таъкидлаш мумкин. Бу йўналишда ҳам изчи ишлар олиб борилаётганини таъкидлаш мумкин. Бу йўналишда ҳам изчи ишлар олиб борилаётганини таъкидлаш мумкин.

Шу ўринда бир манзарага эса олайлик, 1990 йилгача шаҳар сув хавзаларига 70 га яқин қорхоналардан оқова сув чиқарилар, уларнинг 50 дан зиёدىдан амалда деярли тозаланмаган сан-ноат оқоваси ташланарди. Кейинги 15 йил мобайнида сан-ноат оқоваси бир неча қарра қамайтирилди ва бундай оқова умумий сув ҳажмининг атиги 6,4 фоизини ташкил этади. Бугунга келиб, сан-ноат қорхоналарида оқова сувларнинг тозаланмагани тўғрисида Чирчиқ дарёси, Салор, Қорасув, Бўзсув каналлари ва Қорақамш коллектори сувининг сифат кўрсаткичлари, 1990 йилдаги кўрсаткичлар билан таққосланганда, 2-2,5 бараварга яшилган.

Тошкент – йилнинг тўрт фаслида ҳам яшнар турайдиган эман, қарагай, кейинги йилларда шаҳарни қайта қуриш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларининг жадал амалга оширилаётганини тўғрисида 15,2 минг гектар ёки шаҳарнинг 30 фоизи яшил майдонларга айланди. Ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак, ҳозирги кунда пойтахтимизда аҳоли жон бошига 69 квадрат метр кўкаламзорлаштирилган ҳудуд тўғри келяпти. Бошқача айтганда, истиқлол йилларида бу кўрсаткич 21,5 квадрат метрга ортди.

Кўпчилигимиз яхши эслаймиз, собиқ шўро даврида бетонпарастилик касалига чалинган айрим рақбар ва мутасаддиларнинг эртанги кунни ўйла-масдан Тошкентимизда нафақат кўча ва майдонлар, балки одамлар эркин нафас олиши, ҳордиқ чиқариши учун мўлжалланган оромгоҳлари ҳам бетон ва асфальт билан қоплаб ташлашлари ёмон одатда айланган. Янги-чача ёндашув ва қарашлар Тошкент заминини ортқича бетон ва асфальтдан ҳалос этмоқда. Йил бўйи яшнар турган арча ниҳоллари, анвойи дарактлар пойтахтимизга кўрж ва чирой бахш этмоқда.

Кўкаламзорлаштиришга жиддий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас, албатта. Чунки атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашда яшил оламнинг аҳамияти бежиз эмас. Дов-дарактлар киши руҳиятига баҳра берибгина қолмай, кўзга яшилган чанг ва губорларни ушлаб қолади, шаҳарда шовқинни қамайтиради. Энг муҳими, яшил олам ажойиб микроклимни ҳосил қилади. Масалан, кенг кўламли кўкаламзорлаштирилган ҳудудда ҳаво ҳарорати очик қийларга нисбатан 16 даража салқин бўлиши, бир гектар ўрмон йилга 54 тонна чангни ушлаб қолиши амалда исботланган. Мамлакатимизда, шу жумладан, пойтахтимиз Тошкентда амалга оширилаётган эколо-

гик ислохотлар замирида ана шундай эзгу мақсадлар мўжасамдир.

Юртимиз бағри қандай дов-дарактлар билан бурқаниши ҳар томонлама ўйлаб, мулоҳаза юритиб ишлашни тақозо этади. Бу борада ҳам давлатимиз раҳбарининг ташаббускорлиги, жон куйдиришлари ҳаммамизга ибрат бўлмоқда. Гап атрофга дуч келган даракт ниҳолларини ўтказиб ташлашда эмас. Президентимиз алоҳида уқтир-

Кези келганда айтиш кераки, Тошкентда фавворалардан ташқари, умумий майдон 91 гектар ва сув сийими 1,4 миллион куб метр бўлган бир неча та сув хавзалари, хусусан, сунъий кўллар мавжуд. Фавворалар ва салқин иклим ҳосил қилувчи сув иншоотлари пойтахтимиз яшил кўрмига-кўрқ бўлиб тушди, уларнинг атрофида барпо қилинаётган боғу хиббонлар атроф-муҳит чиройини очиб, мусаффо

иншоот орқали, лойқа ва чўкиндилардан тозаланган ҳолда кўлга ўтади. Чўкиндилар эса 460 метрлик махсус мосламалар орқали четга чиқариб ташланмоқда.

Истиқлол йилларида, айниқса, шаҳарнинг Яққасарой, Мирзо Улўғбек, Бектемир, Учтепа, Чилонзор ва Шайхонтоҳур туманлари янгидан-янги сўлим гўшалари, кўкаламзор ҳудудлари билан тилга тушди. Бу туманларда

ҳаётимиздаги барак-хайр рамзидир. Бу билан ҳар бир юртошимиз фаришанга арийди.


Истироҳат боғлари, хиббонларда қаштан, қарагай ва бошқа манзарали дарактлар парваришланаётгани тўғрисида нафақат атмосфера ҳавоси покланди, балки қарангки, бу манзилларда олмагонларнинг кўпайиши учун қўлай шароит вужудга келди. Мабодо хиббонларда бу ҳуркак митти жониворларга қўзингиз тушса, сира ажабланманг. Улар шайхонтоҳур табиғатига мослашиб, кўпайиб бораётди. Бу безор жониворларни асраб-авайлайлик, азизлар!

Сир эмаски, шаҳар ҳудуди, асосан, сан-ноат ва маийш чикндилар ҳисобига ифосланган. Бундай ҳолат ривожланган давлатларда ҳам долзарб муаммолардан биридир. Лекин шуни ҳам борки, агар чикндиларни қайта ишлаш йўлга қўйилса, у атроф-муҳит мусаффолигини таъминлабгина қолмай, бу кўшимча даромад манбаига ҳам айланади. Мисол учун, Тошкентда ҳозирги пайтда сан-ноат ва маийш чикндиларни қайта ишлайдиган бир неча қорхона фаолият қоритмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида атроф-муҳитда тўпланган 25,8 минг тонна чикндиларнинг 22 минг тоннадан ортиғи, яъни 85 фоизи ана шу қорхоналарда қайта ишланди. Ваҳоланки, ўтган аспнинг 90-йилларида қорхоналарда чикндиларнинг 20 фоизи қайта ишланган, ҳолоб-шу маънода, тизимдаги “Селта” ва “Махсуснур” қорхоналарининг фаолияти алоҳида эътиборга молик. Бу ерда экологияга жиддий ҳавф туғдирувчи, яъни таркибиде симоб моддаси бўлган чикндилар зарарликлантирилимоқда.

Шунингдек, сўнгги йилларда пойтахт шаҳримизда 2 мингдан кўпроқ чикндиди йилгилдадан ва саранжом-ланданган махсус майдонлар ташкил этилди. Тармоқ парки янги техника воситалари билан бойитилмоқда. Бундай тадбирлар чикндиларни тўплаш, ташвиш ва қайта ишлашда қўл келаетир.

Бирок амалга оширилаётган сай-ҳаракатларга қарамай, айрим кишиларда экологик маданиятнинг пастиги ҳамоно кўзга ташланиб қолмоқда. Масалан, айтадиган бўлсак, тўқилган барг-ҳазонларга ўт қўйиш ҳоллари учраб турибди. Бунинг оқибатида ҳавога зарарли газлар кўтарилиб, ҳамшаҳарликларимиз, айниқса, аллергик, нафас йўли, юрак қон-томир ҳасталиклари билан оғрийдиган кишилар азирт-чекмоқдалар.

Шокиржон БОҚИЕВ, эколог.



ганларидек, аввало, ҳавони ксилрод билан бойитадиган эман, қарагай, каштан ва қайин каби дарактларни, одамнинг кўзини қувонтирадиган манзарали буталарни кўпроқ екиш мақсадга мувофиқдир. Узидан захарли моддалар чиқариб, инсон саломатлигига, экологияга салбий таъсир этадиган дарактларни иложи борича қамайтириш лозимлигини Юртошимиз доимо таъкидлаб келмоқда.

Шуни айтиш кераки, пойтахтимизда барқ уриб ўсиб турган 28 турдаги кимматли ва ноёб ўсимликлар давлат томонидан муҳофаза қилинмоқда. Уларнинг аксарияти қўлай шароитда яхши ривожланиб, кўпайиб бораётди. Шаҳарнинг марказий қисмидаги 100 ёшдан ошган 30 тул эман даракти ҳақиқий табиат обидасига айланган.

Сўнгги ўн йилнинг ўзида Тошкент шаҳрида 3027 гектар майдонда янги боғ-роғлар яратилди. Бундан ташқари, йўл бўйларидеги, умумий майдони қарийб 1223 гектарни эгаллайдиган ҳудудлар кўзга яшилган. Шаҳарларимизга кўркамлик ва уйғунлик бахш этишчи ландшафт архитектура-сидан оқилона фойдаланиш, яшил майдонлар ва фаввораларни кўпайтириш орқали замонавий тус бериш, шу тарихи шаҳарда салқин микроклим вужудга келишини таъминлаш, бу тажрибани бошқа вилоят ва шаҳарларимизда ҳам кенг қўллаш зарурлиги Президентимиз ташаббусининг туб моҳиятидир.

манзара ҳосил қилмоқда.

Муҳтарам Президентимиз 2005 йилнинг февраль ойида Тошкент шаҳрида олиб борилаётган реконструкция ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Бешёгон майдонда ҳам бўлиб, Миллий боғни янада обод қилиш, жумладан, собиқ Комсомол кўлини қайта тиклаш ва таъмирлаш масаласини ўртага қўйиб, амалий тақлиф ва тавсиялар билдирган эди. Шу кўрсатмалардан келиб чиққан ҳолда, Миллий боғни яхлит таъмирлаш бўйича мукамал дастур ишлаб чиқилди. Ва шу асосда кенг қамровли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилиди. Натихида Миллий боғ тўдан қайта шаклланди ва пойтахтнинг яшил камар ландшафти барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари тарихий кўлнинг азалий кўркини тиклаш учун замонавий асосда уни қайта барпо этиш, атроф-муҳитда салқин микроклим яратиш, шу тарихи ушбу ҳудудга тоза ҳаво олиб кириш масаласини алоҳида таъкидлаб эди. Шундан келиб чиқиб, қурувчилар истироҳат фидиги бир-бир дарактга зигирча шикаст етказишди. Кўлнинг табиий шакли, асл кўриниши сақлаб қолинди, шу билан бирга, унинг санитария ҳолатига, дренаж масаласига жиддий эътибор берилди.

Шу мақсадда кўл олдида тўрт боқичли махсус сув тозалагин иншооти барпо этилди. Эндилкида сув мазкур

айни кунларда аҳоли жон бошига 72,5 дан 108,6 квадрат метргача яшил майдонлар тўри келаети.

Шаҳар экологиясининг ҳолатини шу ҳудуддаги қўшларга қараб ҳам билиб оلسа бўлади. Айтايлик, жигитой ва тошқирғий нотин жойда ин қурмайди, қўқтарғоқни эса фақатгина зилол сув хавзалари ва дарёларда учратасиз. Тошкент боғларида бўлбуллар сайраси оддий ҳолга айланмоқда. Пойтахтнинг оғушида 270 турдаги паррандалар кўним топиб, уларнинг бу даражада кўпайётганини ҳудудда барқараб экологик муҳит юзюга келганини англатади. Тошкент шаҳри ва унинг атрофида лайлак инлари кўпаймоқда. Мустақиллик майдонидеги Эзгулик аркаси тепасида бунёд этилган беозор қуш – лайлак обидаси ҳам эзгу мақсадларимиз рамзи бўлиб турибди. Негаки, лайлак, азалдан яхшиллик, эзгулик ва фазилат тўғрисидаги бўлиб келган. Биргина шу ҳолнинг ўзи юртимизда тинчлик, осийишталлик ва

Ободлик кўнгилдан бошланади, деган гап бежиз айтилмаган. Йимони пок, қалби мусаффо инсонлар яшаётган заминдан ҳеч қачон фазилат барак-аримайди. Шундай экан, атроф-муҳитнинг шифофоти, озода ва покиза бўлишини ҳар биримиз ўзимиздан, ўз дароғимиздан бошлайлик. Зеро, соғлом муҳитдагина инсон саломатлиги, узоқ умр кўриши таъминланади. Ҳаммамиз бир осмон остида, бир замин бағрида яшаётган одамларимиз. Биз нафас олаётган ҳаво, ичаётган сув, обғимиз остидаги тупроқ, замин тозалигига ҳар биримиз шахсан масъул эканлигимизни унутмайлик.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида оммавий ахборот воситалари, нашриётлар ва матбаа қорхоналари фаолиятига қонунчилик талабларига риоя этилиши масалаларига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Унда юртимиздаги қатор оммавий ахборот воситалари, нашриётлар ва матбаа қорхоналари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Б. Алимов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳада олиб борилаётган ислохотлар жараёнида миллий матбуотимизни янада ривожлантириш, унинг базасини мустаҳкамлаш, кадрларнинг касб малакаси ва маҳоратини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида бир минг бир юздан зиёд номдаги оммавий ахборот воситаси – газета, журнал, ахборотно-

ма, ахборот агентлиги, электрон оммавий ахборот воситалари, веб-сайтлар рўйхатга олинган. Агентлик томонидан оммавий ахборот воситаларининг амалдаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан мунтазам равишда мониторинг олиб бориюмоқда. Хусусан, даврий нашрларга халқаро стандартлар туркуми рақами – ISSN белгиси қўйиб борилаётди. Бу эса даврий нашрларнинг хорижий давлатларда ҳам тарқалиши учун имконият яратаети. Юртимизда саксондан

Бағрикенглик – олий фазилат

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигини нишонлаш доирасида “Бағрикенглик – маданият нормаси ва ахлоқий қадрият” мавзусида давра сўбати бўлиб ўтди.

Унда ЮНЕСКОнинг МОСТ дастури бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий мувофиқлаштирувчи қўмитаси, “Ик-тимоий фикр” жамоатчилик маркази вакиллари, шунингдек, Фридрих Эберт номидеги жамоатчилик марказидаги бакалаврларнинг ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари масъул ходимлари иштирок этди.

Анжуман

Ўзбекистон кўпмиллатли давлат. Юртимизда бағрикенглик тушуначси узоқ йиллар мобайнида шаклланган ва ҳозирда инсоний қадрият ва анъанага айланган. Мамлакатимизда яшаётган ҳар бир миллат вакиллари ўзаро тотув ва аҳилликда истикомат қилишмоқда. Турли миллат ва элатларнинг маданият марказлари фаолият қоритиб келмоқда. Қолаверса, бағрикенглик тамойили Асосий Қонунимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ўз аксини топган. Ҳусусан, унга қўра, ҳар бир фуқаро тили, миллати, дини ва иркидан қатъи назар, тенг ҳуқуққа эгадирлар. Юртошимиз раҳнамолигида динлар ва миллатлар ўртасидаги ўзаро бағрикенгликни таъминлашга, маданиятлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга қаратилган барча ҳуқуқий шароитлар яратилган. Йилгишда шулар ҳақида сўз борди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Юнус БҮРОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Халқимиз билиб айтган: “Ўз уйим – ўлан тўшагим”. Бу ҳикматда ҳаётий ҳақиқатлар бисёр. Ватанидан, уйдан биров муддатга узоқлашган киши бу сўзларнинг мағзини яхши тушунади, ҳис этади... Ноқонуний йўл билан ўзга қорда ишлашга отланган киши у ерда ўзини нима қутиб турганини билмайди. Бунинг устига кимга дуч келсан, сенга қандай муносабатда бўладилар – бу ҳам маълум эмас.

АЛДАНИБ ҚОЛГАН ЁМОН

Нускулик Нурлан Боқимбетов уч йил бурун Қозғистон Республикасида жинсий жавобгарликка тортилиб, икки йилга озодликдан маҳрум этилган, аммо тайинланган жазо шартли жазога айлантирилиб, бир йил синов муддатини ўтаган эди. У бунни нимага йўлган билмадик, аммо тегвишли ҳулоса чиқармаганлиги кейинги хатти-ҳаракатларидан сезилиб турибди.

Шу йилнинг январиде Нурлан қозғистоний Дўсим исмли шахс билан қоракўлпостонлик фуқароларни ишлатиб, фойдани тақсимлаш тўғрисида келишиб оладилар. Уларнинг найранги иш бериб, Ҳўжайин тўманида истиқомат қилувчи фуқаролар А. Таженов, Қ. Наҳиматдинов, Ж. Муҳанов, А. Юсупов, С. Қилиббеов – ҳаммаси билан 14 киши лаққа ишонди.

ри зўрлигини ҳам таъкидлашни эсдан чиқармайдилар: меҳмонхонда турсизлар, уч маҳал иссиқ оқват берилади... Яна қанчадан-қанча ёлгонлар тўқиймаган дейсиз.

— Бизни алдаётганини Қозғистонга бориб, поезддан тўшганимиздаёқ сезганим, — дейди жабрдий-далардан бири Д. Ешимбетов. — Чунки вокзалда қутиб олиши керак бўлган Дўсимни кўрмадик. Кейин Абдуқаримид ва Жонкелди исмли ишбўшқарувчилар бошчилигида турли вазибаларга тайинландик. Нурланнинг меҳмонхона дегани кўп йиллардан бўён инсон қадами тегмаган, ҳувиллаган бир ҳовли бўлиб чиқди...

— Шу йил 25 январь кунни овулдаги болалардан Нурлан дегани йитти Қозғистонда ишлашни хоҳлайдиганларини йнгиб юргани ҳақида эшитиб қолдим, — дейди алданганлардан яна бири Б. Қўсбергенов. — Зудлик билан бориб учрашдим. У жуда катта ваъдалар берди. Айтишчи, у ерда ҳамма нарса муҳайё эмис. Қўскаси, бошқалар қатори мен ҳам ёлгон ваъдаларга алдандим. Бунни манзилга борганда тўла тушуниб етдик. Айтилган шарт-шароитлар йўқ. Бунинг устига бир ярим ойда ҳам маошдан дарак бўлавермади. Шунда “Ҳўжайинлар”дан иш ҳақимизни сўрадик. Улар эса бўлади, деб алдашдан нарига ўтишмади. Қўскаси, оғир шариғида ишлардик, ойликдан нишон, еб-ичишда эса маза йўқ эди.

Бир кун Бахтиёр деган шериғимиз овулда яна бола олиб келаман, деган баҳона билан юртимизга қайтди. Кейин билсак, у ота-оналаримиз ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни аччиқ тақдиримиздан хабардор қилган экан. Унга раҳмат!..

устига ишда суст ҳаракат қилганлар турли азоб-уқубатларга гирифтор қилинган. Бу ҳўрликларга қидир олмаганлар кетишга уриниб кўради, аммо бундан наф чиқмайди. Чунки кетишга руҳсат йўқ эди!

Шунча ишлаб қорни нонга тўймаётган йитилар биров вақт топилди, дегунча қўшни қишлоқ ва овулларга бориб, қўшимча ишлаб келишди. Қўнлардан бири кунни икки киши қўшимча ишлаш ниқатида чиқиб кетиб, амаллаб қадрдан Ватанига, ўз уйларига етиб оладилар. Бу орада қониб кетганлардан хабар топган Дўсим ва Жонкелди қолганларни 118 кун давомида қуддек қўриқтирдилар. Фарзандларининг азоб чекаётганидан хабар топган оналар – Х. Ешимбетова, Д. Қўсбергенова, Т. Аҳмедовалар “ҳўрланаётганлар”нинг манзилини топиб, минг

бир таваллолар билан фарзандларини олиб қайтишди.

— Уғлимнинг ишга кетганига бир ойдан ўтса ҳамки ундан хат-хабар бўлавермади, — дейди онаизор Х. Ешимбетова. — У ердан амаллаб қочиб келганлардан манзилни

ортиқ нашриёт фаолият қоритмоқда. Шу билан бирга ҳокимликлар, бошқарув органлари, ўқув ва илмий тадқиқот муассасаларида олти мишга яқин ноширлик бўлимини ишлаб турибди. Улар томонидан чоп этилаётган матбаачилик маҳсулотларига ISBN – рақамларининг қўйиб борилиши эса нашрларнинг адади, хилма-хиллиги ортишига, сифатининг янада яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Айни пайтда матбаа қорхоналарининг фаолиятини замон талаблари

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Юнус БҮРОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

24 соат ичида

ЖАХОН
«General Motors» автомобилсозлик компанияси Таиланднинг Районг шаҳрида жойлашган корхонасини вақтинча ёпишга қарор қилди, дейилади «Reuters» ахборотида.

Корхона фаолияти тўхтатилади

Корхона фаолияти жорий йилнинг декабрь ойи ўрталаридан бошлаб, камидан икки ойга тўхтатилади. Бундан ташқари, бу ерда 258 та иш ўрни қисқартирилиши ҳам айтилмоқда. «General Motors»нинг бундай қарорга келишига дунё иқтисодиётида қузатилаётган инқироз сабаб бўлган.

Молиявий кўмак

Буюк Британия ҳукумати Хиндистонга 825 миллион фунт стерлинг (1,2 миллиард АҚШ доллари) миқдорда моддий ёрдам кўрсатмоқчи.



Бу ҳақда «The Guardian» газетаси маълум қилди. Мамлакатнинг Халқаро тараққиёт вазири Дуллас Александернинг таъкидлашича, бугунги кунда Хиндистонда 828 миллион киши қийин шароитда кун кечирмоқда. Ақриятлаётган маблағ уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга сарфланади.


Қузатишлар натижаси

«Речпосполита» газетасининг ёзишича, Марказий Европанинг энг соғлом миллати польшаликлар экан.

Лестер университети тадқиқотчилари томонидан олиб борилган қузатишлардан сўнг шундай хулосага келинган. Гарчи словакияликлар ва чехлар Польша фуқаролигига қараганда кўпроқ умр кўришса-да, улар ҳаёти давомида турли касалликларга чалиниб туришади. Польшалик профессор-социолог Станислава Голлиновсканинг таъкидлашича, мамлакатда тиббий хизмат кўрсатиш яхшилانгани, одамлар ўртасида спиртли махсулотларни истеъмол қилиш ва чекиш камайгани сабабли аҳоли саломатлиги ижобий томонга ўзгариб бораётти.

Йирик автоҳалокат

Япониянинг Хоккайдо префектураси (вилояти)даги йўллардан бирида йирик йўл транспорти ҳодисаси содир бўлди.



«ИТАР-ТАСС» хабарида келтирилишича, автоҳалокат натижасида 35 та машинага шикаст етган. Бир неча киши жиддий тан жароҳати олган. Йўлнинг мазкур қисмида барча ҳаракатлар вақтинча тўхтатиб қўйилди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Даволашдан олдини олган афзал

Самарқандда «Парранда гриппининг олдини олишда оммавий ахборот воситаларининг роли» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

ЮНИСЕФ жамғармаси, Ўзбекистон муҳим вазифалар ҳақида фикр юритил- Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбе- ди. ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваки- кистон Нодавлат электрон ом- ли А. Байжонов журналистлар- мавий ахборот воситалари мил- ни қизиқтирган саволларга лий ассоциацияси ҳамкорлиги- жавоб берди.

Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

- Аукцион савдосига Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2007 йил 10 апрелдаги 11-0706/944-сонли ажримига асосан банкрот деб эътироф этилган, «Bolalar taomlari-holding» холдинг компанияси тугатиш бошқарувчиси томонидан компанияга тегишли қўйидаги учта филиалнинг мавжуд мол-мулклари, ҳар бир филиал алоҳида-алоҳида мулкый мажмуа сифатида қўйилганлигини такроран маълум қилади:
1. Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 57-уйда жойлашган Янгийўл филиалининг мавжуд мол-мулклари.
Бошланғич баҳоси — 46 125 000 000 сўм.
2. Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Ғазалкент шаҳри, Амир Темуր кўчасида жойлашган Ғазалкент филиалининг мавжуд мол-мулклари.
Бошланғич баҳоси — 31 590 000 000 сўм.
3. Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри, Ингичка кўчасида жойлашган Каттақўрғон филиалининг мавжуд мол-мулклари.
Бошланғич баҳоси — 30 285 000 000 сўм.
Аукцион савдоси 2008 йил 11 декабрь кун соат 11.00 да бўлиб ўтади. Мулкый мажмуалар 11 декабрь кун соатилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 18 ва 25 декабрь кунлари соат 11.00 да ўтказилади.
- Шунингдек, аукцион савдосига Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2006 йил 12 декабрдаги 11-0622/11463-сонли қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган, «Yangiyo'l dop mahsulotlari» ОАЖ тугатиш бошқарувчиси томонидан жамиятнинг Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Чарикова кўчаси, 18-уйда жойлашган мол-мулклари мажмуаси қўйилганлиги такроран маълум қилинади.
Бошланғич баҳоси — 2 000 000 000 сўм.
Аукцион савдоси 2008 йил 11 декабрь кун соат 11.00 да бўлиб ўтади. Ушбу мол-мулклар мажмуаси 11 декабрь кун соатилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 18 ва 25 декабрь кунлари соат 11.00 да ўтказилади.
Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.
Мазкур савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувга асосан, ҳар бир савдо объекти бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини савдо ташкилотчиси — РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк»и Собир Раҳимов филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452105, МФО 00901, ИНН 200933850.
Лицензия: DB 001 №000004.

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Урозбоев кўчаси, 1-«А» уй.
Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz

Савдоларга марҳамат!

NEW HOLLAND AGRICULTURE

Янги трактор

New Holland TL 5060

Қуввати — 100 от кучига эга.

Кафолат — 1 йил.
Барча вилоятларда сервис хизмати кўрсатилади ва эҳтиёт қисмлари мавжуд.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Tel.: 120-60-97, 120-89-58.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «ТШТ» филиали

Маълум қилади:

Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, «Сувсоз» («Водник») даҳасининг телефон тармоғидаги рақамлиниш **295-60-00 дан 295-70-00 га** ўзгартирилади.

Даҳадаги 29-уй тўлиқ, 37, 38, 39-ётоқоналар тўлиқ, 35-ётоқона қисман, 30, 31, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51, 57, 58, 59, 60, 61, 62, 64, 65, 66-уйларда қисман телефон рақамлари ўзгариши муносабати билан тўғилаётган ноқулайликлар учун уэр сўраймиз.

Маълумот учун телефонлар: 295-35-53, 295-02-12.

«ТШТ» филиали маъмуриети.

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ «КЧМ»

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%.

а также:

КАФЕЛЬ (облицовочный и напольный)

САНТЕХНИКА (унитазы, умывальники в большом ассортименте)

ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ

Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04
Торговый магазин ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127 zakamsk-group@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИГА МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРДАГИ ДЕПОЗИТЛАРНИНГ ЯНГИ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

| № | Омонат | Фоиз ставкаси | Омонат шартлари |
|--|--|---|---|
| Миллий валютада | | | |
| 1. | Олтин куз | 18% | амал қилиш муддати — омонатчининг хоҳишига кўра 45 ёки 60 кун; омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади; фоизлар муддат тугагандан кейин тўланади, ҳар ойда капитализация қилинади; биринчи бадал миқдори — чекланмаган. |
| 2. | Ҳосил | 16% | амал қилиш муддати — 3 ой; омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади; фоизлар муддат тугагандан кейин тўланади, ҳар ойда капитализация қилинади; биринчи бадал миқдори — чекланмаган. |
| 3. | Истиқбол | 18% + омонат сақланган охириги 2 ой учун 4%лик бонус | амал қилиш муддати — 6 ой; омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди; фоизлар 3 ой ўтганидан кейин ёки муддат тугагандан сўнг тўланади, капитализация қилинмайди; биринчи бадал миқдори — чекланмаган; маблағларни қабул қилиш муддати — 2009 йил 1 январгача. |
| 4. | Ҳамкор | 18% + омонат сақланган охириги 3 ой учун 5%лик бонус | амал қилиш муддати — 9 ой; омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди; фоизлар муддат тугагандан кейин тўланади; биринчи бадал миқдори — чекланмаган; маблағларни қабул қилиш муддати — 2009 йил 1 январгача. |
| 5. | Барқарор | 18% + омонатни сақлаш муддатининг иккинчи ярим йиллиги учун 4%лик бонус | амал қилиш муддати — 1 йил; омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди; фоизлар ҳар ойда ёки муддат тугагандан кейин тўланади, капитализация қилинмайди; биринчи бадал миқдори — чекланмаган; маблағларни қабул қилиш муддати — 2009 йил 1 январгача. |
| 6. | Сўғдиёна | 18% | амал қилиш муддати — 13 ой; омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади; фоизлар ҳар ойда ёки муддат тугагандан кейин тўланади, талаб қилиб олинмаган фоизлар ҳар ойда капитализация қилинади; биринчи бадал миқдори — чекланмаган. |
| 7. | Навқирон | 18% | амал қилиш муддати — 1 йилу 6 ой; омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади; фоизлар ҳар ойда ёки муддат тугагандан кейин тўланади, талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализация қилинади; биринчи бадал миқдори — чекланмаган. |
| 8. | Кафолат | 18% + омонатни сақлаш муддатининг 2-йилидан бошлаб 8%лик бонус | амал қилиш муддати — 2 йил; омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди; фоизлар ҳар йилининг охирида тўланади, капитализация қилинмайди; биринчи бадал миқдори — чекланмаган; маблағларни қабул қилиш муддати — 2009 йил 1 январгача. |
| АҚШ долларида | | | |
| 1. | Тараққиёт | 4,75% | амал қилиш муддати — 1 йил; омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди; фоизлар ҳар чорақда ёки муддат тугагандан кейин тўланади, капитализация қилинмайди; фоизлар омонатчининг хоҳишига кўра АҚШ долларида ёки Узмарказбанк курси бўйича сўмда тўланади; биринчи бадал миқдори — чекланмаган. |
| 2. | Фароғат | 4,5% | амал қилиш муддати — 3 ой; омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди; фоизлар муддат тугагандан кейин тўланади, капитализация қилинмайди; фоизлар омонатчининг хоҳишига кўра АҚШ долларида ёки Узмарказбанк курси бўйича сўмда тўланади; биринчи бадал миқдори — чекланмаган. |
| 3. | Ёғду | 7% | амал қилиш муддати — 2 йил; омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди; фоизлар ҳар ойда ёки муддат тугагандан кейин тўланади, капитализация қилинмайди; фоизлар Узмарказбанк курси бўйича сўмда тўланади; биринчи бадал миқдори — чекланмаган. |
| 4. | Абсолют | 6% | амал қилиш муддати — 1 йил; омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди; фоизлар ҳар ойда ёки муддат тугагандан кейин тўланади, капитализация қилинмайди; фоизлар Узмарказбанк курси бўйича сўмда тўланади; биринчи бадал миқдори — чекланмаган. |
| Евродаги омонатлар | | | |
| 1. | Орзу | 4% | амал қилиш муддати — 5 ой; омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди; фоизлар муддат тугагандан кейин тўланади, капитализация қилинмайди; фоизлар омонатчининг хоҳишига кўра еврода ёки Узмарказбанк курси бўйича сўмда тўланади; биринчи бадал миқдори — чекланмаган. |
| Эгасининг номи кўрсатилмайдиган омонатлар | | | |
| 1. | Жисмоний шахслар учун эгасининг номи кўрсатилмайдиган АҚШ долларидаги омонат | 4,75% | амал қилиш муддати — 9 ой; омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди; фоизлар муддат тугагандан кейин тўланади; фоизлар Узмарказбанк курси бўйича сўмда тўланади; биринчи бадал миқдори — чекланмаган. |
| 2. | Жисмоний шахслар учун эгасининг номи кўрсатилмайдиган евродаги омонат | 5% | амал қилиш муддати — 9 ой; омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди; фоизлар муддат тугагандан кейин тўланади; фоизлар Узмарказбанк курси бўйича сўмда тўланади; биринчи бадал миқдори — чекланмаган. |
| 3. | Жисмоний шахслар учун эгасининг номи кўрсатилмайдиган миллий валютадаги омонат | 9 ой — 16% 12 ой — 18% | омонат муддати — миқозининг хоҳишига кўра 9 ёки 12 ой; омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди; фоизлар омонат муддати тугагандан кейин тўланади; биринчи бадал миқдори — чекланмаган. |

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси телекоммуникация тармоқлари ва коммутиация тизимлари кафедраси доценти Нурулла Гултурраева ўғли Нурутўла ГУЛТУРАЕВИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Республика кўп тармоқли агросаноат биржаси ва унинг вилоят филиаллари жамоалари биржа бошқаруви раиси Тимур Валитова онаси **Дина БАДРИДИНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

Олтинчи турдан сўнг



Германиянинг Дрезден шаҳрида давом этаётган 38-Бутунжаҳон шахмат Олимпиадаси қизгин паллага кирди.

Олтинчи тур баҳсларида Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси ливиялик шахматчиларга қарши дона суриб, 3,5:0,5 ҳисобида ғалаба қозondi. Сайдали Йўлдошев — Мустафо Хумранани, Алексей Барсов — Иброҳим Чаҳранийни, Шухрат Сафин — Мусаб Фаттурни мағлубиятга учратган бўлса, Жўрабек Ҳамроқулов ва Муҳаммад Элбаруний партияси дуранг натижа билан якунланди. Олимпиада ўйинларида совринли ўринлар учун курашаётган аёллар терма жамоамиздан олтинчи турда омад юз ўтирди. Улар голландиялик рақиблари билан беллашиб, 1:3 ҳисобида имкониятни бой берди. Фақат Нодира Нодиржонова тажрибали шахматчи Арлетт Ван Вирсел устидан 1:0 ҳисобида муваффақиятга эришди.

Бўш келманг, қизлар!

21-28 ноябрь кунлари Таиландда қўл тўпи бўйича навбатдаги Осиё чемпионати бўлиб ўтади.

Кеча Владимир Мўминов бошчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси ушбу нуфузли мусобақада иштирок этиш учун Бангкокка жўнаб кетди.

Терма жамоа таркибига миллий чемпионати-мизнинг ётақчи жамоаларида ҳисобланган ОТМК ва "Алгоритм" вакиллари тақлиф этилган. Демак, қизча чемпионатида Екатерина Ахметғалиева, Зинаида Пенёкова, Лола Қудратова, Елена Тамонова, Ольга Крушевская, Евгения Пепеляева, Алина Насриддинова («Алгоритм»), Екатерина Антонова, Анастасия Ткачева, Елена Удирякова, Асия Юсупова, Надежда Шадрина, Мария Овчинникова, Алина Сухоплясова, Динара Азимова, Кристина Офицерова (ОТМК)лар юрти-миз шарафини ҳимоя қилишади.



Мамлакатимизда илм истаган, касб-хунар ўрганмоқчи бўлган ёки спортнинг исталган тури билан шуғулланишни хоҳлаган ёшларимиз учун чексиз имкониятлар муҳайё этилган. Президентимизнинг эртанги кун эгаларига юксак ишонч ва беқиёс ғамхўрликлари тўғрисида келатган бундай шарт-шароитнинг қадрига етиш, улардан унумли фойдаланиш ёшларимиз зиммасига катта масъулият юклайди.

ҲАВАС ҚИЛСАК АРЗИЙДИ

Истиқлол йилларида биргина ёшларни спортга жалб этиш борасида амалга оширилган ишларни айтадиган бўлсак, бу борада эришилган муваффақиятларнинг чек-чегараси йўқ.

Нуробод Самарқанд вилоятининг чекка туманларидан саналади. Шундай бўлса-да, бу ерда ёшлар учун яратилган имкониятлар шарафидан асло қолишмайди. Жумладан, туман халқ таълими бўлимига қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактабимизда айни пайтда 800 нафардан ортиқ ўғил-қиз спортнинг энгил атлетика, бадий гимнастика, миллий кураш, самбо, бокс, волейбол,

футбол, шахмат каби турлари бўйича ташкил этилган тўғарақлар машғулотларида иштирок этишапти. Уларга 33 нафар спорт мураббийи сабоқ берапти.

Кувончиси, спортга иқлолсманд ёшлар сафи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шу боис кўплаб қишлоқ мактабларида, жойлардаги спорт мажмуаларида мактабимизнинг бўлимларини ташкил этдик. Бу эса қишлоқ ёшларига ўзлари истаган спорт турлари билан шуғулланиш имкониятини яратяпти. Айни пайтда келгуси йилда бўлиб ўтадиган мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" мусобақасига тайёргарлик қизгин давом этмоқда.

Олиб борилаётган иш-хотлар замирида ёшларимизнинг саломатлигини асраш, улар орасидан етуқ спортчилар етишиб чиқшини кўриш истаги мўжасам. Шу маънода, шогирдларимиздан кўнгил тўқ, Улар миллий кураш, бокс, шахмат, волейбол бўйича вилоят микёсида юқори ўринларни эгаллаб келаяпти. Яқинда Тайлоқ туманида ўтказилган "Самарқанд юлдузлари" вилоят шахмат мусобақасида вакиллари-миз умумжамоа ҳисобида фахрли учинчи ўринни эгаллашди. Тошкент шаҳрида миллий кураш бўйича 1989-1991 йилларда туғилган ўқувчилар ўртасида ташкил этилган республика биринчилигида эса 21-мактаб ўқувчиси Мунир Мирзаев худди шундай натижага эришди. 1993-1994 йилларда туғилган ўқувчи-қизларимиз эса Чирчиқда бўлиб ўтган волейбол мусобақаларида мамлакатдаги тенг-

дошлари ўртасида ўз ўринлари бор эканлигини намойиш этдилар. Яна бир ўқувчимиз Бектош Сафаровнинг Грецияда бўлиб ўтказилган миллий кураш бўйича мусобақада совриндор бўлиб қайгани биз, мураббийлар қувончига-қувонч кўшди. Яқинда пойтахтимизда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси С. Вайнштейн хотирасига бағишлаб ташкил этилган халқаро турнирда ўз вазн тоифалари бўйича боксчиларимиздан Ҳумоюн Бутунов иккинчи, Сардор Тошимов учинчи ўринни эгаллашди.

Санайверсак, бундай муваффақиятларимиз кўп. Энг муҳими, бу каби ютуқлар бизнинг фаҳримиз ва ғуруримиз бўлган ёшларимизни руҳлантирмоқда, зиммаларидаги масъулиятни янада оширишга чорламоқда. Айтиш жоизки, ёшларимиз спортни севиб, маълум бир спорт тури билан шуғулланишаётган экан, келажакда янада юксакроқ чўққиларни забт этмоғимиз аниқ.

Дарвоқе, шу йилнинг ўзига 12 ва 21-мактабларда ҳар томонлама шарт-шароитлар яратилган ва зарур спорт анжумлари билан жиҳозланган спорт заллари фойдаланишга топширилди. Бундай иншоотлар ишонч тоғимиз бўлган ўғил-қизларимизнинг маънан етуқ, жисмонан соғлом бўлиб камол топишларида муҳим аҳамият касб этади, албатта.

Ўлғубек ҚУРБОНОВ, Нуробод тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби раҳбари.

ОЗОД ЮРТНИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДИМАН!

Эсимни танибманки, ёши улугларнинг биз, навқирон авлод вакилларига боқиб, ўз болалиқларини эслаганларига гувоҳ бўламан. Отанам менинг ёшимда мактаб уйдан бошқасини билмаганликларини, улар учун бугунгидек шароити бадастир ўқув масканларида ўқиш ушалмас армон бўлганлигини айтишади.

У пайтлар бугунги кун ёшлари каби халқаро микёсдаги фан олимпиадалари, нуфузли спорт мусобақалари, санъат ва маданият фестивалларида қатнашиб, деган тушунчалар, бўлмаган экан.

Шулар ҳақида эшитганим сайин бугун мамлакатимизда биз, ёшлар учун яратилаётган беқиёс имкониятлар, юксак ғамхўрликлар ҳақида ўйлаб, қалбим ифтихорга тўланади. Қарангки, бизнинг ҳатто билим олиш, меҳнат қилиш ҳуқуқимиз, сиҳат-саломатлигимиз муҳофазаси Асосий Қонунда белгилаб қўйилган. Шунинг ўзиёқ, ҳеч бир юрда ёшларга эътибор биздагидек эмаслигини аниқлаб турибди. Зеро, муҳташам ўқув масканлари, касб-хунар коллежларида энг замонавий шарт-шароитлар асосида ўқиш, билим олаётганлигимиз бизнинг чинакам маънода фаҳримиздир.

Ўзим таълим олаётган лицей-интернат ҳам ана шундай намунали, беқиёс имкониятлар муҳайё этилган таълим масканларидан бири саналади. Бу ерда тасвирий санъатга илҳос қўйган иқтидорли тенгқурларим қатори билим олмакданам. Биз, ёшларга маҳоратли мўйқалам усталари санъат сирларидан сабоқ бераётганлар. Устозларимиз истеъдод ва қобилиятимизни намойиш этиб, турли халқаро кўргазмаларда иштирок этишдек озу-ниятларимизни ҳамisha қўллаб-қувватлашади. Ана шу ғамхўрлик сабаб яқинда мактабимизнинг беш нафар ўқувчиси халқаро танловларнинг бош соврини билан тақдирланди. Дилфуза Матбоева, Шерзод Сулаймонов Японияда, Асилбек Машрапов Миср Араб Республикасида, Бунёдбек Тўйчиев Чехияда, Аъзамжон Турсунов эса яқинда Польшанинг Чесптон шаҳрида кўплаб мамлакат ёшлари орасида голибликни қўлга киритишди.

Ўзим маҳоратли расом бўлиш орзусидаман. Яқинда ёш истеъдодлар учун ташкил этилган "Янги авлод" республика танловида қатнашдим. Бир-биридан иқтидорли тенгқурларим билан беллашиб, кўриқнинг якуний босқичига йўлланма олганлигим мени янада руҳлантирди, келажакда катта санъаткор бўлиб етишиш орзуми қатъий мақсадга айланди. Бунинг учун тинмай изланишим, ниямларга қдрор эканлигим намойиш этишим лозимлигини билмаман. Шундай шароитлардан баҳраманд ҳолда ўсиб-улғаяётган бир фарзанд сифатида мақсадларимга етишишимга ишонаман.

Жаҳонгир Тўлашов, Илҳом тўғрисидаги 9-тасвирини ва амалий санъат лицей-интернати ўқувчиси.

Хабарингиз бор, яқинда Саудия Арабистонида футбол бўйича ёшлар ўртасида (U19) ўтказилган Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этиб, қумуш медални қўлга киритган эди.

Аҳмад Убайдуллаев:

«Масъулият янада ошади»

Чемпионат якунларига бағишлаб, Ўзбекистон футбол федерацияси мажлислар залида мамлакатимиз ёшлар терма жамоаси бош мураббийи иштирокида матбуот анжумани ўшатирилди. — Турнир юқори савияда ташкил этилди, — дейди бош мураббий А. Убайдуллаев. — Шароитлар ҳам кўнгилдагидек яратилди. Аммо йигитларимизнинг биринчи учрашувда 5 та, иккинчи ўйинда эса 3 та сариқ картонка билан жазолангани бизга бироз муаммо туғдирди. Натижада, баъзи ўйинларда асосий футболчиларимиз иштирок этишмади. Баъзилар бизга омад кулиб боққанлигини ва асосан кичик ҳисобларда ғалаба қозонганлигини айтишапти. Билмадим, биз бошқа фикрдамыз. Эсланг, бизнинг 2 та голимизни ҳисобга олишмади. Хитой терма жамоаси билан чорак финал ўйинидаги ҳолатни ёдга олинг. Дарвозабон тўпни ўзи билан ичкарига олиб кириб кетди ва натижада тўп дарвоза чизигини кесиб ўтди. Аммо голимиз инобатга олинмади. Финалгача бўлган йўлда учраган мана шу қийинчиликларни алоҳида таъкидлаган бўлардим. Қолаверса, 14 кун ичида биз 6 та учрашувда мейдонга тушдик. Албатта, бу йигитларга ҳам руҳий, ҳам жисмоний жиҳатдан ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Асосийси, биз ўз олдими-мизга қўйган мақсадга эришиб, жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритдик, финалгача етиб бордик. Энди масъулият янада ошади. Бизни кўлаб-қувватлаб турган муҳлисларимизга миннатдорлик билдирамыз. Насиб этса, Мисрда бўладиган жаҳон чемпионатида ҳам кутилган натижага эришамиз.

3. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.



Қашқадарё вилоятидаги ахборот-кутубхона марказида мактаб дарсликлари ва ўқув қўлланмалари кўргазма-ярмаркаси ташкил этилди.

Кўргазмада — мактаб дарсликлари

Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, "Ўқитувчи", "Маънавият", "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", "Ғафур Ғулом", "Чўлпон", "Янги аср авлоди", "Насаф" нашриётларининг вакиллари, халқ таълими ходимлари сўнгги йилларда дарсликларни сифатли чоп этиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида гапирдилар.

Кўргазмага қўйилган барча дарсликлар ва ўқув қўлланмалари китобхоналар доимий фойдаланишлари учун ахборот-кутубхона маркази фондига қолдирилди. Кўргазма-ярмарканинг очилиш маросимида вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев иштирок этди.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

NOVYI NISSAN X-TRAIL. X-TRAIL. Надежный, мощный, технологичный новый Nissan X-TRAIL — Ваш пропуск в мир независимых технологий. СПЕЦИАЛЬНОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ от официального дистрибьютора Nissan в Узбекистане — компании Premium Auto. ☎ 295 88 77. Цена от \$ 51 000, гарантия — 2 года, или 50 000 км пробег + ОСАГО в ПОДАРОК. ШИФТ capabilities.

агар... Сизнинг уйингиз ёки офисингиз телефон коммуникацияларидан узоқда жойлашган бўлса, кабель ўтказиш эса кўп куч ва сарф — харажат талаб этса; Сиз қисқа вақт ичида қўшимча рақам олмақчи бўлсангиз CDMA стандартли стационар радиотелефонини ўрнатинг! (модел AMGOO CX8R) АТИГИ 205 000 сўмга! Комплекта телефон аппарати, драйверлар билан диск, заряд ускунаси ва USB-кабель кирди. Сиз: ҳатто кўнғироқ қилиб тушиш қийин бўлган жойларда ҳам алоқанинг юқори сифати ва ишончилигига; овоз эшитилишининг тинклиги ва сўзлашувларнинг махфийлигига; телефонни ҳеч қийинчиликсиз, рақамни сақлаган ҳолда бир жойдан иккинчи жойга ўтказиш имкониятига; маълумотлар ўтказиш юқори тезлигига (Интернет) эга бўласиз. Барча маълумотлар компания офисларида ва www.cdma.uz сайтида. (8598) 305-1111 PerfectumMobile CDMA Dreams Come True

Саломатлик

Республика Шошилич тиббий ёрдан илмий марказининг Жизса филиалида саломатлик акцияси ўтказилди.

МЕҲ-МУРУВВАТ ТАДБИРИ

Тадбир қатнашчилари мустақиллик йилларида мамлакатимизда тиббийёт соҳасида эришилаётган ютуқлар, инсон саломатлигини сақлашга бўлган доимий ғамхўрлик хусусида дил сўзларини айтдилар.

"Соғлом авлод учун", "Маҳалла" хайрия жамғармалари вилоят бўлими кам таъминланган оилаларнинг бемор аъзоларига дори-дармон, кийим-кечаклар улаштирди. Акция давомида қизиқарли бадий дастур намойиш этилди.

Баҳриддин САТТОВОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача. 233-10-60, 233-09-85, 233-10-83. 242-қонун.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 25557 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммаднали Бегмуратов томонидан саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.45. Тошпирилди — 23.35.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов. Навбатчи — О. Файзиев. Мусаҳҳах — Ш. Машраббоев.